



МАДАНИЯТ

№15 (150) 15.04.2021 йил

» Карор ва ижро

II Халқаро бахшичилик санъати фестивалига тайёргарлик кўриш ва бахшичилик санъатини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҚАРОРИ



Бахшичилик санъатини республика ва халқаро миқёсда кенг тарғиб қилиш, Халқаро бахшичилик санъати фестивалини республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам ўтказиш, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида мавжуд бўлган ўзига хос ижро услублари асосида ижодий мактабларни «устоз-шоғирд» аъналарини асосида қайта тиклаш ва ривожлантириш мақсадида:

1. Маданият вазири, Фанлар академияси, Ёзувчилар уюшмаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгазининг 2021 йилда Нукус шаҳрида II Халқаро бахшичилик санъати фестивалини (кейинги ўринларда – Фестиваль) ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 ноябрдаги ПК-3990-сон қарори билан тасдиқланган Халқаро бахшичилик санъати фестивалига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита (А.Н. Арипов):

а) Фестивални Қорақалпоғистон Республикасида юқори ташкилий даража ва бадиий савияда ўтказиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширсин;

» Яхши китоб – жон озиғи

б) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда:

Халқаро бахшичилик санъати фестивалини келгусида босқичма-босқич республиканинг бошқа ҳудудларида ўтказиш чораларини кўрсин;

санитария-эпидемиологик вазиятни инобатга олган ҳолда жорий йилдаги Фестиваль ҳамда келгусидаги Халқаро бахшичилик санъати фестивалларини ўтказиш муддатини белгиласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 10 апрель

Ушбу сонда

Хивадан олинган таассуротлар

2-саҳифада »

Маънавий мерос фидойиси

3-саҳифада »


Янги Ўзбекистон ёшлар назарида

4-саҳифада »



Халқаро анжуман

5-саҳифада »



Кўнглимиз хазинасига айланган асар

Атоқли ёзувчи Хайриддин Султоннинг "Одамлардан тинглаб ҳикоя" тўпламини мутлола қилар эканмиз, у маънавий мулкимиз, бир умрлик ҳамроҳимиз, дўстимиз, дарддошимизга айланиб қолганини юракдан ҳис этамиз.

Ҳўш, ушбу китобни кўнглимизга яқин қилган, ўқишлилиги, муваффақиятини белгилаб берган жиҳатлар нималардан иборат? Аввало, муаллиф ҳассос шоир Ҳамид Олимжоннинг бизни сирли, сеҳрли болалик оламига етакловчи, ҳар биримизнинг қалбимизда иллик ва кадрдон хотираларни уйғотувчи гўзал сатрини китобга ном сифатида танлаб олган.

"Одамлардан тинглаб ҳикоя". Биргина ушбу мисранинг ўзиёқ бизни одамлар, узоқ йиллардан буён ширин дийдорига талпиниб яшаётганимиз — бобою бувиларимиз, ота-онамиз, дўсту яқинларимиз ҳақида ўйлашга ундайди. Бирга кечган дилбар сўхбатлар, қизиқдан-қизиқ хангомалар, воқеа-ҳодисаларни ёдга солади. Шу орқали уларнинг ёрқин қиёфаси кўз олдимизда яна бир бор жонланади.

Хайриддин Султоннинг ушбу китобини ўқиш асносида ҳам ана шундай соғинчли ҳислар оламига тушиб қоламиз. Чунки тўпلامга киритилган ҳаётномаларни муаллиф тўқиб чиқарган эмас, у фақат дўсту яқинларидан, замон-

дошларидан эшитган воқеа-ҳодисаларни, эсдаликларни, кечинмаларни қозога туширган, ҳолос.

Улуг адиб Абдулла Қаҳҳор "Қуёш, ҳаво, ер, сув барча жонивор ва кўкатларга озуқа берганидек, халқ ҳаёти ёзувчига илҳом беради. Ёзувчи қанчалик истеъдодли, унинг қалам тутган қўли қанчалик тажрибали бўлса, халқ ундан шунчалик чуқурроқ миннатдор бўлади, унинг ижодини, умуман, Адабиётни шунчалик чуқурроқ ҳурмат қилади", деб ёзганида нақадар ҳақ эди.

Хайриддин Султон ҳам китобга кирган ҳикояларни халқдан олиб, ўз тафаккур призмасидан ўтказиб, гўзал шакл ва услубда яна халққа тортиқ қилган. Ҳикояларни айтиб берганлар орасида таниқли олимлар, зиёлилар, шифокорлар, ижодкорлар, давлат хизматчилари, вазирлардан тортиб оддий кишлоқ аёли — 75 ёшли кекса онахон ҳам бор. Бу инсонлар ўзлари, дўсту ошнолари, яқинларининг бошдан кечирганлари, гоҳ аччиқ, гоҳ ширин хотираларини ҳикоя қилар экан, уларнинг қувонч ва қайгулари, орзу-армонлари, дарду хасратлари сизга ҳам бегона эмаслигини англайсиз. Чунки аксарияти биз билан замондош, ҳатто қисматдош ҳам.

Давоми 2-саҳифада »



Донолар сузлайди:

Муסיқа фани шу маънода фойдалики, кимнинг феъли мувозанатини йўқотган бўлса, уни тартибга келтиради.

А.Н.Форобий

Санъатнинг барча турлари буюк бир санъатга — дунёда яшаш санъатига хизмат қилади.

Б.Брект

Санъатга элтувчи йўллар жуда машаққатлидир, лекин бу йўлдан баъзан чиройли гулларни узиш мумкин.

Ж.Санд

Хорватияга ташриф

Хивадан
олинган
таассуротлар

Хабарингиз бор, Халқаро туркий маданият ташкилоти (ТУРКСОЙ) томонидан Хива 2020 йилда турк маданияти пойтахти деб қилинган эди. Бироқ пандемия сабабли ТУРКСОЙ томонидан белгиланган дастурларни тўлиқ ўтказиш имконияти бўлмади.

Шуларни инобатга олиб, Хорватиянинг Риека шаҳрида "Хивадан олинган таассуротлар" номли кўргазма намойиш этилмоқда. Халқаро туркий маданият ташкилоти делегацияси аъзоларининг маъмур давлатга ташрифи доирасида ташкил қилинган ушбу кўргазмада Хива маданияти, санъати, урф-одатлари, анъаналари, тарихий ёд-

горликлари ва жаҳон цивилизациясига ҳисса қўшган буюк алломалари ҳақидаги маълумотлар акс этган.

Делегация аъзолари Халқаро туркий маданият ташкилоти – ТУРКСОЙ раҳбари Д.Касейнов, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик бошқарма бошлиғи Ш.Ақбаров, Қозғистон Республикасининг Хорватиядаги элчихонаси маслаҳатчиси Т.Сексенбай, ТУРКСОЙнинг Болқон минтақаси бўйича лойиҳа координатори Ф.Алийенилардан иборат.

Делегация аъзоларининг амалий ташрифи давом этмоқда.



Давоми. Боши 1-саҳифада

Кўнглимиз хазинасига айланган асар

Бу қаҳрамонларнинг аксариятини кўпчилик танийди. Улар айтиб берган ҳикояларни, балки, ўзлари ҳам тинглаган чиқар. Бироқ бу айтимларни бадиий асарга айлантириш, уларнинг ибратли жиҳатларини англаб, дилга яқин бир услубда қозғога тушириш осон иш эмас. Қамма ҳам бу ҳақда бош қотирмайди ва барчанинг ҳам қўлидан бундай иш келмайди. Бунинг учун ижодкордан юксак истеъдод, маҳорат, кунг ва меҳнат талаб қилинади. Ёзувчининг "одамлардан ҳикоя тинглаш" усули асарлар тилининг соддалиги, мазмунан халқчиллигини таъминлаган. Масалан, Ташкент шаҳрининг собиқ бош имом-хатиби, марҳум Анвар қори Турсунов айтиб берган ҳикоя орқали бу маърифатпарвар инсоннинг ҳикматларга бой суҳбатлари, соф ва самимий ҳазил-мутойбалари ёдга тушади.

"Омад", деб сарлавҳаланган ушбу ҳикояда ҳар бир инсонга, ким бўлишидан, ҳайси лавозимда ишлашидан қатъи назар, унга Яратган томонидан ато этилган толе зарур эканлигини англаймиз. Ҳикоя қаҳрамони Ботирбек — узоқ йиллар ишсизлик жабрини чекиб, моддий етишмовчиликлар гирдобига тушиб қолган йигит ниҳоят қори акамини кўмаги билан ўз яшаб турган қишлоқ қабристонига гўрковликка тайинланади. Бироқ бир йил ўтиб, ушбу ҳудудга борган Анвар қорига яна ўша йигит рўбарў бўлади ва яна иш топиб беришини илтимос қилади. Сабаб... сабаб эса жуда оддий, ҳатто бироз қулгили, қувончли ҳам. Яъни бир йилдан буён ушбу қишлоқда одам ўлмаган.

"Энди... бу синоатни қаранг — катта қабристон бор, гўрков бор, кетмон, белкурагу гувала — ҳамма нарса бор, имом-хатиб рози, одамлар рози, фақат... фақат ўлик йўқ, холос! Яъни Ботирбекда куч-қувват бор, ақл-идроқи жойида, гайрати жўш уриб ётибди, фақат толе пастлик қилиб, омад келмай турибди-да, омад! Шунинг учун, азизлар, Аллоҳ таолодан сўраганимизда омад ҳам сўраш керак экан...", дея ҳикоясини яқунлайди Анвар қори Турсунов.

Камолотга интилиб...

Бобур номидаги халқаро жамоат фонди раиси Зокиржон Машрабов айтиб берган воқеалар ҳам шу кеча-кундузда ҳаётимизда кечаётган, бизни ўйга солиб турган умр лавҳаларидир. Олим улуг боболаримиз, жумладан, Мирзо Бобурнинг хотирасини абадийлаштириш, унинг меросини ўрганиш, излаб-топиш, асраб-авайлаш ҳақида сўзлайдими ёхуд жафокаш афғон заминда кўрган-кечирганларини, нотинчлик келтириб чиқарган фожиаларни ё Буюк Британияда она Ватанимизга келмасдан, бу ердаги реал ҳолатни билмасдан турли уйдирмаларни тўқийётган гаразгўйлар билан тортишувларини ҳикоя қилиб берадими — буларнинг барчаси ўқувчини ҳаётга теран назар ташлаш, ўзлигини англаш, миллий ғурурини тоблаш, бугунги тинч-тотув, дориламон кунларни қадрлаш, глобаллашган дунёда доимо оғох ва сергак, хушёр яшашга ундайди.

Тўпламга киритилган ҳикоялар қаҳрамонлари қисмати ҳар биримиз учун ғоят ибратли. Мисол учун, "Бир долларлик ҳикоя" асари қаҳрамони — 60 ёшли ёзувчи Исроил Қаландар. У "Табассум ўлкаси" — Таиландда сафар таассуротларини қозғога туширар экан, беҳитёр ўз юртини эслайди, болалиги, орзу-мақсадлари йўлида курашиб яшагани кўз олдидан ўтади.

— Ўзбек қишлоғида тирикчилик қилиш ҳеч қачон осон бўлмаган, ҳозир ҳам осон эмас, балки бундан кейин осон бўлар, ammo менинг ёшлигим кечган ўтган асрнинг олтинчи-четинчи йилларини эсласам..., беҳитёр "Мен одам эдим-ку, инсон фарзанди!" деб йиғлагим келади, — ҳикоя қилади у. — Тахминан етти яшар қишлоқ боласини онаси эрта-лаб тўрт-бешларда "Кун чошгоҳ бўлиб кетди, ётаверасаним гафлат босиб, ана, қўшнинг боласи аллақачон молига қараб бўлди, тур ўрнингдан, ярама!" деган "ширин" сўзлар билан уйғотади. Бола апил-тапил юз-қўлини ювиб, молхонага югуради: молларнинг тагини тозалайди, охурига пичан солади, қўйга ем беради, сомон ювиб, тоғорада терт қоради. Сотат саккиз бўлганида бир бурда нонни бир пи-



ёла қуруқ чой билан ютиб, мактабга равона бўлади... Ҳар куни — кишин-ёзин, неча йиллар давомида яккаш шу ҳолат таҳорр бўлаверади: оғил тозалаш, молга ем бериш, сугориш, ўтга бориш, пичан ўриш, сомон янчиш...

Айни пайтда у мавжуд турмуш қаъридан рўшнолик, ёруғлик сари элтадиган ягона бир йўл борлигини билар, гарчи у пайтда Имом Бухорийнинг номини ҳам, у зот ривоят қилган "Илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас", деган ҳадисни эшитмаган бўлса-да, инстинктив тарзда, бутун жону жаҳони билан шу гирдобдан чиқиб кетишга уринар, шаорити қанчалар оғир бўлмасин, ўлиб-тирилиб ўриқ эди...

Асар қаҳрамони — ана шундай қийинчиликларни юксак ирода билан енгиб ўтиб, ҳозирги кунда ўз орзу-мақсадларига эришган инсон. Унинг тақдир бугун ҳам қишлоғу овулларда вояга етаётган минглаб ўғил-қизларга ўрнак бўлиши мумкин. Ўз тақдирининг ижодкорига айланиши учун куч ва руҳ беради. "Валижон касал бўлди" номли ҳикояда ҳаётнинг аччиқ синовларига дуч келган ин-

сон тақдир мисолида бугунги кунда Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизнинг барча ҳудудидо фаолият бошлаган Халқ қабулхоналарининг инсонлар дарду ташвишларини аритиш, "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган эзгу гоя рўйбега хизмат қилаётгани очиб берилган.

"Мактуб" сарлавҳали ҳикояда бугунги кунда бутун дунёни ларзага солган ва унинг зарб-л тўлқини ҳали ҳам не-не қудратли давлатларни қалқитиб турган коронавирус балосини аянчи оқибатлари ўзининг бадиий ифодасини топган. Асар қаҳрамони — инсонларга яхшилик қилиш, уларнинг саломатлигини тиклашга бутун умрини бағишлаган шифокор Қобил Шоназаровнинг ушбу "кўринмас офат" қурбонига айланиши юрак-бағрингизни ўрттайди. Эзгулик ҳеч қачон завол топмаслигини, шу билан бирга, бугунги мураккаб даврда ҳар бир киши ўз соғлиғига бефарқ бўлмаслиги, хушёрлик, мардлик ва матонатни ҳаётий широрга айлантириши лозимлигини чуқур англаймиз.

...Буюк жадид бобомиз Чўлпон қайд этганидек, адабиёт чин маъноси ила ўлган, сўнган, қораланган, ўчган, мажруҳ, ярадор кўнгила руҳ бермак учун фақат вужудимизга эмас, қонларимизга қараб сингитган қора балчиқларни тозалайдирган, ўткир юрак кирларини ювадурган тоза маърифат суви, хиралаган ойналаримизни ёруғ ва равшан қиладирган буюк суви бўлгонлигидан бизга ғоят керакдир.

Шу маънода, таниқли ёзувчи Хайридин Султоннинг бутун ижоди, хусусан, "Одамлардан тинглаб ҳикоя" китоби маърифат суви янглиғ қалбу тафаккуримизни ёруғ ва равшан қилади. Асардан чиқарган хулосаларимиз, олган таассуротларимиз, тарбиямиз бизга бир умр ҳаёт йўлларимизни нурафшон этувчи йўлчи юлдуз, маърифат мағи бўлиб қолади.

Озодбек НАЗАРБЕКОВ,
Ўзбекистон Республикаси
маданият вазири

Замонавий таълим дастурлари амалда

Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисага йўллаган Мурожаатномасида мамлакат тараққиётининг замини, ҳеч шубҳасиз, илм-фан ва инновациялар эканлиги таъкидлаб ўтган эдилар.

Бугунги кунда янгилаётган Ўзбекистонда янги дастурлар асосида хоржий тилларни ўрганиш халқимиз орасида, айниқса, ёшлар ўртасида муҳим мақсадлардан бирига айланди. Агар сиз ҳозирги шиддат билан ривожланаётган жамиятда ўз ўринингизни топиш, дунёвий билимларни эгаллаш истагида бўлсангиз, у ҳолда инглиз тилини билиш жуда муҳимдир. Замонавий билим-қўникмалар ҳамда хоржий тилларни ўрганиш тўғрисида сизнинг коммуникатив имкониятларингиз ошади, нуфузи банд ишга жойлашиш ёки ўз бизнесингизни ташкил этиш имконияти пайдо бўлади.

Зеро, мамлакатимизда хоржий давлатлар билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилиб, кўплаб янгидан-янги лойиҳалар амалга оширилмоқда. Мана шундай йирик лойиҳалардан бири бу "Creative Spark – Олий таълим ўқув дастури"дир. Лойиҳанинг асосий мақсади Буюк Британия таълим асосида юртимиз ёшларига тадбиркорлик фаолиятида фикрлашларини ривожлантириш, ижодий тад-

биркорлик қўникмаларини ўргатиш, гоъларини бизнес лойиҳаларга айлантириш, қолаверса, тил билиш даражасини оширишга кўмаклашишдан иборатдир.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳамда Ўзбекистондаги Британия Кенгаши ташаббуси билан "Creative Spark – Олий таълим ўқув дастури" лойиҳаси асосида "English club" номли махсус инглиз тили курси жорий этилди. Сентябрь ойида дарс машғулотларини олиб боришга муроиб педагог танлаш бўйича суҳбат бўлиб ўтди. Қувонари жиҳати шундаки, бу ўринга кўлаб олий таълим муассасалари педагоглари орасидан айнан



Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти инглиз тили фани ўқитувчиси Нодира Ишанбекова муносиб деб топилди.

Ҳозирги кунда ушбу малякали педагог кўмағида талабалар ўз билимларини ошироқдалар. Улар инглиз тили бўйича таърибаларини ошириш баробарида янгича усулларда тил ўрганиш имкониятига ҳам эга бўлишмоқда. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, ҳозирги кунда масофадан туриб билим олиш жуда қулай ва самарали. Мазкур курс айнан онлайн тизимга мослашган бўлиб, ёшлар учун катта имкониятлар эшитини очди. Талабаларга ўтиладиган мавзулар ҳам оддий, ҳам ўрганиш учун қулай, шунингдек, ҳозирги кун талабига мос танланган. Утиладиган мавзулар орқали талабалар инглиз тилида эркин фикрлаш, сўзлаш, ижодий тадбиркорлик сирларини эгаллаш ҳамда амалиётга таъбиқ этиш йўлларини ўрганадилар.

Ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусиятлари ва талаблари мавжуд. Агар сиз бугунги шиддат билан ривожланаётган жамиятда ўз ўринингизни топиш, дунёвий билимларни эгаллаш истагида бўлсангиз, инглиз тилини билиш жуда муҳимдир. Бунда талабаларга ўз фикрларини қай тарзда бошлаш, омма олдидан қандай гапирш, гапнинг оҳанги, иборалардан фой-

даланиш, ишга жойлашишда айтиладиган зарурий сўзлар каби мавзулар ўргатилади.

Буюк мутафаккиримиз Алишер Навоий ўз даврида ёшларга мурожаат қилиб, "Кўеблик истасанг, касби камол ет", деб ёзганлар. Чиндан ҳам, одамларга кўебдек беминнат нур тарқатишни, яхшилик қилишни истайдиган инсон камолотга интилиб, турли илм ва касб-хунарларни ўлаштириши лозим.

"Ҳозирги даврда хоржий тилларни мукамал ўрганмасдан туриб, буюк бобомиз айтган ана шундай марраларга эришиб бўлмайди, десак, адашмаган бўламиз. Бундай ўткир талабга амал қилиб, келгуси йилда физика ва чет тилларини ўрганишни устувор йўналиш этиб белгилашни тақлиф этаман" — деди Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисага йўллаган Мурожаатномасида.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда биз ёшларга кенг имкониятлар, шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Энди биз ёшлар ҳам юртбошимиз ташаббусларига, юртимиз келажагини порлоқ қилишдек буюк мақсадларига ишонч билдирган ҳолда ватанимиз тараққиётига ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз лозим!

Камолитдин УМАРОВ,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият
институти магистранти

» Аждодларимиз

Буюк саркарда мероси



2021 йил 9 апрель куни Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактаб-интернатда сохибқирон Амир Темур таваллудининг 685 йиллиги муносабати билан “Амир Темур – давлат арбоби ва буюк саркарда” мавзусида тадбир ўтказилди. Унда мактаб-интернатнинг раҳбарияти, педагог-ҳодимлар, ота-оналар ҳамда ўқувчилар иштирок этди.

Тадбирни муассаса директори, санъатшунослик фанлари номзоди, доцент Г.Халикулова очиб, Амир Темур шахсини ўрганиш жуда муҳимлигини, аждодимиз ўз даврида илм-фан, маданият ва меъморчилик соҳаларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганини таъкидлади. Шунингдек, Амир Темур меросини ўрганиш, айниқса, ёшлар учун жуда катта сабоқ бўлишини айтиб ўтди.

Кечада мактаб-интернатнинг иқтидорли ўқувчилари тайёрлаган Амир Темур фаолиятига оид театрлаштирилган сахна кўринишлари, шеър ва рақслар намойиш этилди. Масофавий таълим (онлайн) шаклида ўқитган ўқувчилар “Темур тузуқлари” дан парчалар ўқишди.

Тадбир якунида мактаб-интернатнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Ш.Хамроев ҳам сўзга чиқиб, сохибқироннинг “Куч – адолатда” тамойилига таяниб иш кўргани ўсиб келаётган ёш авлод учун катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Тадбирда юқори синф ўқувчилари ўзлари тайёрлаган миллий рақслари билан иштирок этди.

Ақиди ШАМСИЕВА, катта ўқитувчи

» Хотира уйғонса гўзал



Маънавий мерос фидойиси

Хотира аждодларга юксак ҳурмат ва эҳтиром ифодасидир. Инсон – хотира билан тирик, қадр билан улуг.

Ўзбек халқининг ўзига хос бўлган, бошқалардан ажралиб турадиган ноёб фазилати бу кадриятдир. Ўтганлар хотирасини ёдда сақлаб, эъзозлаб яшаб халқимиз учун энг муқаддас фазилат бўлиб келган.

Мана бир неча йилдирки, мустақил республикамизда 9 май – “Хотира ва қадрлаш” куни сифатида кенг нишонланмоқда. Бу кун нафақат жанг майдонларида шаҳид бўлганларни хотирлаш, балки фидокорона меҳнат қилган табаррук ёшдаги ота ва оналаримизга ҳам чексиз иззат ва эҳтиром кўрсатиш айёмидир.

Шунингдек, Ватан тараққиётига муносиб улуш қўшган барча фидойи инсонларни ҳам эъзозлаш, қадрлаш, хотирлаш байрамидир.

Яхши инсонларнинг қилган ҳар бир хайрли иши кўпчиликнинг қалбига нур ёқади. Бу нур қалбларни губорлардан тозалаб, ёруғлик оламига олиб чиқади. Қалби эзгуликка йўғрилган инсон келажак авлодларга маънавий бойлик қолдиришни, юрагидан бир бўлак кўшиб ҳада этишни бахт деб билади. Ана шундай инсонлардан бири бутун умрини халқига зиё таратишга, аждодларимиздан қолган маданий бойликларни асраб-авайлашга сарфлаган, қалби ҳаммаша болалардек бегубор бўлган инсон, устозимиз (охиратлари обод бўлсин) Эркинжон Мирзаалиев эдилар. Эркин ака музейга 2004 йил сентябрь ойида ишга келган ва ўзининг беназир илми, соддадиллиги, ширинсуханлиги, инсонлар психологиясини тезда тушуниб олиш қobiliятлари билан қисқа фурсатда жамоада гўёки ўн йиллаб ишлаган ходимлардек барча билан қадрдон ака-ука, опа-сингилдек муносабатга эришдилар. Бундай муваффақият сабаби унинг ўз касбини чин дилдан севиши, интизомли бўлиши, ҳар бир топшириқни аниқ ва имкон қадар муддатидан аввал пухта бажариши, энг асосийси, камтарлик, ҳокисорлик, барчага бирдек самимий муносабатда бўлиш, ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга ишониш, меҳрини ва вақтини аямай ёрдам бериш каби фазилатларнинг эгаси эканлигидир. Устознинг яна бир фазилатлари бу ижод тезлиги бўлиб, бирор ғоя ёки мавзу юзасидан суҳбатлашиб ўтирган чоғимизда, бирдан ўрниларидан туриб, хонасига чиқарди-да, ярим соат ўтар-ўтмас “Урғок адабиётчи, мана буни бир эшитинг-чи”, дея икки-уч варақ қоралама матни ўқиб берарди. Биз эса: “Домла даррودда шунча фикр, мулоҳаза қаёқдан келди?” – дея устознинг қалами ўткир ижодкор эканлигига қойил қолардик.

Эркин Мирзаалиев музейда 12 йилга яқин фаолият юритган бўлса, шу давр мобайнида барча бўлимлар экспозициясини миллий истиқлол ғояларига ва жаҳон андозаларига мос равишда ўзгартириб, қайта жиҳозлашда ўз илми ва меҳнати билан амалий ёрдамлашган. Айниқса, тарих бўлимининг археология, этнография заллари экспозициясини яратишда кундузлари жиҳозлаш, кечалари уйига кетмасдан ёзув-чизув ишларини қиларди.

Устоз дастлаб музейда тарих бўлими мудири, кейинчалик илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, маънавий бўлими

мудири лавозимларида сидқидилдан фаолият олиб борди. Иш жараёнида қўл остидаги ходимларга вақтида қаттиққўл, лекин муруватли бўлиб, кўпинча ҳазил-мутойиба билан муомала қиларди, яъни ҳаммаси ўз ўрнида эди. Айниқса, биз аёл ишчиларни бошқа эркаклардан кўра кўпроқ тушуниб, “Аёлларга осон эмас, уйига борса, ҳам уй юмушлари, ҳам қайнота-қайнона, бола-чақа ташвиши, қуда-анда дегандай, ишда бўлса, топшириқлар, ўзига яраша масъулият”, дея шароит яратиб, енгиллик туғдириш тарафдори бўлгани ёқарди.

Шахсан ўзим ушбу музейда 30 йилдан бери фаолият юритаётган бўлсам, Эркин Мирзаалиев каби билимли, шижоатли, ташкилотчи, ўз касбига ўта жонкуяр инсонни кўрмадим. Раҳматли устоз, ҳатто, умрининг сўнгги кунларида ҳам ўзи шифохонада бўла туриб, телефонда котиба қизимизга нашрга тайёрлаётган рисоалари ҳақида топшириқлар бериб, якунига етмай қолиб кетишидан хавотир олаётганларини айтган эдилар. Бундай инсонлар дунёга камдан-кам келади. Барча бажарган ишлари, чиқарган китоблари, ёзган мақолаю маърузалари касбдош-издошлари ва келажак авлод учун эди.

Мирзаалиев Эркин Юнусович 1951 йили Чортоқ шахрида туғилган. Тарих фанлари номзоди, доцент. “Олий таълим фидойиси” кўкрак нишони ва бир неча бор Ўзбекистон Маданият вазири, вилоят ва шаҳар ҳокимликларининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 14 йиллигига бағишланган вилоят ижодкорлари ўртасидаги “Энг улуг, энг азиз” кўрик-танловининг совриндори бўлган. Музейга ишга келгунга қадар Наманган давлат университетининг “Умумий тарих” кафедраси доценти, “Ўзбекистон тарихи” кафедраси мудири лавозимларида самарали меҳнат қилган.

Ҳозирги кунда биз касбдошлари ва музейга янги ишга қабул қилинган ёшлар устознинг “Наманган шахри тарихидан лавҳалар”, “Тарих – маънавият кўзгуси”, “Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейи: кеча ва бугун” каби 20дан ортиқ китоб, рисола, илмий-услубий қўлланмалари ва 100 дан зиёд илмий-оммабоп мақолаларини ўқиб, ўрганиб, ўзимизга тегишли хулоса чиқариб, иш жараёнида қўлламоқдамиз. Афсус, бешафқат ўлим устозни 2015 йили 65 ёшида орамиздан олиб кетди. Биз ҳар гал устоз китобларини қўлга олар эканмиз, ўша кунлар, воқеалар ва бирга кечган мароқли суҳбатлар кўз ўнгимизда гавдаланади, хотиралар уяроқнади.

Хотира қачон қадр-қимматли бўлади? Қачонки, уйғонса, ана ўшандагина у гўзал бўлади, дилларга ором, ҳузур бағишлайди. Эркин ака билан боғлиқ хотираларимиз ҳам ана шундай гўзал. Биз устознинг меҳнатларини асло унутмаймиз, у кишининг бизга қолдирган илмий-услубий қўлланма ва китоблари ёш авлодларни маънавий етук шахс бўлиб улғайишига хизмат қилади. Устозимизнинг охиратлари обод бўлсин.

Нигорахон МҲМИНОВА,
Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи бўлим мудираси

» Илм хазинаси

Китоб бизни бирлаштиради

Китоб – илмлар хазинаси. Билимимизни юксалтиради, ақлимизни чарчлайди, маънавий эҳтиёжларимизни қондиради. Китобдан яхшироқ дўст йўқдир.

У инсоннинг эркин фикрлаши, дунёқарашининг кенгайиши, ақлан етук бўлиши, маънавияти шаклланишида асосий ўрин тутаяди. Китоб ўқиган инсоннинг ақли чарчланмай, маънавияти бойиб, етуклик сари илдамлайверади.

Ёшларимиз учун маънавият қаноти бўлмиш китоб бунёдкорлик ва яратувчанликнинг асосидир. Бу бебаҳо неъмат буюк аждодларимизнинг айтган сўзларини, келажак авлодга етказиб берадиган восита ҳамдир.



2 апрель – “Халқаро болалар китоби” куни деб эълон қилинган. У 1967 йил Халқаро болалар китоби бўйича кенгаш – IBBY ташаббуси ва қарори билан жорий этилган. Байрам санасига эса 1805 йил 2 апрелда туғилган даниялик машхур болалар ёзувчиси Ханс Кристиан Андерсеннинг таваллуд куни асос қилиб олинган. Кенгаш шу кун орқали ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини яхшилаш, янги авлоднинг маънавий ва интеллектуал қиёфасини шакллантиришда болалар китобининг ролини оширишни тарғиб қилади. Яна бир мақсади – болалар адабиёти, китоб санъати ва маданиятини ривожлантириш ҳамда болалар китобхонлиги борасидаги мавжуд муаммоларга дунё ҳамжамияти эътиборини қаратишдан иборат. Баҳор ойининг иккинчи кунинда Халқаро болалар китоби куни муносабати билан жаҳонда кўплаб янги болалар адабиёти нашрларининг чоп этилиши, йирик китоб ярмаркаларининг ўтказилиши ҳам анъана тусига кирган. Ўзбекистонда ҳам бу кун кенг нишонланади ва турли тадбирлар ўтказилади.



Худди шундай тадбирлар Андижон вилоят кўзи ожизлар кутубхоналарида ҳам ҳафта давомида кенг нишонланди.

Вилоят, шаҳар, туман филиалларида бир ҳафта давомида бўлиб ўтган “Китобхонлик ҳафталиги” доирасидаги тадбирлар 9 апрель куни вилоят кўзи ожизлар кутубхонасида тантанали равишда якунланди. Шу кун “Китоб бизни бирлаштиради” мавзусидаги бадиий кеча ҳамда “Қадрдон кутубхонамга менинг тухфам” номи билан китоб улашиш хайрия акцияси ташкил қилинди. Кечага вилоятдаги қатор ташкилотлар: Ўлкашунослик музейи, Ногиронлар ассоциацияси, ХДП Андижон вилоят кенгаши, ЎзКОЖ Андижон вилоят бўлими ва шаҳар бўлинимаси, шунингдек, 16-кўзи ожиз болаларга ихтисослаштирилган мактаб интернати, 7-умумтаълим мактабларининг фаол ўқувчилари, кутубхонанинг барча шаҳар, туман филиал ходимлари ташриф буюрдилар.

Ташкил этилган акцияда меҳмонлар ярмаркага қўйилган китоблардан сотиб олиб, кутубхона фондига тақдим қилишди.

Тадбир якунида кутубхона маъмурияти томонидан фазилатли рақслар фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Х.Т.УМАРОВА,
Андижон вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси директори

Байрам концерти

Соҳа
ходимларини
қўтлаб...



Учрашув

Янги Ўзбекистон ёшлар назарида

10 апрель куни Бердак номидаги Қорақалпоқ давлат академик муסיқали театрида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали ташаббуси билан "Янги Ўзбекистон ёшлар назарида" мавзусида учрашув бўлиб ўтди.

Унда профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари ва ОАВ ходимлари иштирок этишди. Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазири Қ.Турдиев ҳамда Жисмоний-тарбия ва спорт вазири Ғ.Байниязовлар сўзга чиқиб, сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар, айниқса, ёшларнинг илм-фан, спортда ўз қобилиятларини юзага чиқариши бўйича кўрилаётган чора-тадбирларга алоҳида урғу берилди.

Учрашувда айтиб ўтилганидек, бугунги кунда филиалда 9 та таълим йўналиши бўйича жами 775 талаба таълим олмақда. Уларга 68 нафар профессор-ўқитувчи илм-фан, санъат сирларини ўргатиб келмоқда.



– Филиалда ўқиши, спорт ва санъат, илмий ва ижодий ишларда ўз фаолиги билан тенгдошларига намуна бўлиб келаётган талаба-ёшлар кўпчиликини ташкил этади, – дейди санъатшунослик факультети декани Г.Ходжаметова. – Устозлар ишончини оқлаб, бир қатор зукко талабалар, қобилиятли ёшларимиз танловларда муносиб иштирок этиб, юқори натижаларни қўлга киритмоқда. Жумладан, "Илм талабаси – 2020" танловида "Илмнинг энг ижодкор талабаси" номинацияси бўйича "Кино ва телевидение режиссерлиги" йўналишининг 2-босқич талабаси Азизбек Алламуратов, "Универсиада ўйинлари – 2020" спорт ўйинлари мусобақасида спортнинг белбоғли кураш тури бўйича "Кино-телеоператорлик" йўналишининг 2-босқич талабаси Азимбек Сапарбаев ва бошқа талаба-ёшларимиз санъат соҳасида ўтказилган танловларда ғолиб бўлиб, биринчи ўринларга муносиб кўрилди. Албатта, ёшларнинг қўлга киритган ютуғлари жамомиз фахри ҳисобланади. Бундан ташқари, талаба қизларимизни касбга йўналтиришда санъат ва маданият соҳасига ихтисослаштирилган "Чевар қўллар" маркази ташкил этилди. Бу келажак авлодни касб-хунарга йўналтириш, уларнинг қобилиятини юзага чиқаришда жуда аҳамиятлидир.



Учрашув институтида ташкил қилинган "Тумар" рақс ансамбли ва ёш ижодкорлар ижросидаги концерт дастури билан давом этди.

Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазири матбуот хизмати

Фидойи

Халқимизда топиб айтилган бир нақл бор: "Дарахт бир жойда кўкаради". Дунёда касблар кўп, бироқ 40 хунарни амаллаётган деб, охири ҳеч бирига эришолмагандан, бир соҳага меҳр бериб, садоқат ила меҳнат қилган киши мақсадига тезроқ етади. Дарҳақиқат, мана шунинг "бир жойда кўкариш" дейишади.

Санъат боғбони



Агар бирор юмуш билан Қамаш шаҳрига борсангиз, умрининг 46 йилини болаларга ижод соҳасидан сабоқ беришга бахшида қилган Бахриддин ака Олмурад хонадонидан меҳмон бўлинг. Бир пиёла чой устидаги суҳбатдан кўнглингиз тўлади. Жонкуяр, фидокор устознинг ўз касбига бўлган садоқати ҳақида тинглаб, ҳаётга меҳрингиз янада ортади...

Азим Қашқадарёнинг ёнгинасида жойлашган Бойбўри қишлоғида истиқомат қилган Олмурад бобо ва Ҳайитгул момоларнинг олти ўғил ва уч қизлари орасида Бахриддин ака иккинчи ўғил эди. У болаликдан ҳаракатчан, шўх-шодон, тиришқоқ бўлиб, тенгдошлари орасида ажралаиб турган. Етти ёшида қўшни Тўқбой қишлоғидаги мактабга боради.

Ўқувчилик йилларидаёқ санъатга меҳр қўйгани боис мактабда ўтказилган турли тадбирларда фаол қатнашиб, қўшиқ айтар, рубоё чалишини ҳам ўрганиб олганди. Бунда мактабда муסיқа фанидан сабоқ берган устозлари Эркин Азезов ва Курбон Абдуллаевларнинг ҳиссаси катта бўлган.

Ёшликдаги орзу-истакларнинг қаноти бўлади дейишади. Бахриддин ака ҳам мактабни аъло баҳоларга тугатгач, ўз орзуларига эргашиб, Тошкентга келади ва маданият техникумига ўқишга кириди. Омадни қарангки, билми юртида асли Қашқадарёнинг Муллақувват қишлоғидан бўлган бастакор, ўнлаб ўлмас қўшиқлар муаллифи Раҳматжон Турсуновга шоғирд тушади. Ўша йилларда тикланган устозшоғирдлик анъанаси яна узоқ йиллар давом этади.

Билим юртини битирган Бахриддин ака Қамаш туман маданият бўлими қошидаги "Бўстон" ашула ва рақс ансамблида муסיқачи бўлиб иш бошлайди. Ўз даврида бу ансамблнинг доврғу қўшни давлатларга ҳам етиб борган, айниқса, "Қашқадарё кўпкариси" рақси саҳнада ўйналганда залдаги томошабинлар ўринларидан туриб олқишлашарди.

Кўп ўтмай Бахриддин акани ҳарбий хизматга қақаришди. Қахрамонимиз хизматни ўтагач, яна сеvimли касбига, кадрдон ишхонасига қайтди ва ижод муҳитида яшаб бошлади.

Шундай кунларнинг бирида туман халқ таълими бўлимининг ўша пайтдаги мудири Ҳўроз Туропов қахрамонимизни хонасига қақариб, шаҳарда муסיқа мактаби очиш масаласи бўйича маслаҳатлашди. Бундай даргоҳни ташкил этиш, унга раҳбар бўлиш масъулияти ҳам Бахриддин аканинг зиммасига юкланди.

Вақтнинг, йилларнинг ўтишини қарангки, орадан нақ 46 йил ўтиб кетибди.

Қахрамонимиз мана шу қарийб ярим асрлик мuddат мобайнида ўз билимини ошириш учун Тошкент давлат маданият институтининг хор дирижерлиги йўналишида сиртдан таҳсил олди. Бу даргоҳда эски кадрдонлар, устоз ва шоғирднинг ҳаёт йўли яна туташиди. Бахриддин ака яна ўзининг сеvimли устози Раҳматжон Турсунов гуруҳида сабоқ олди.

1-муסיқа ва санъат мактаби ташкил этилган йилидан то бугунги кунгача нафақат ўқувчиларнинг, балки бутун туман зиёлилари ва санъатсеварларнинг сеvimли масканига айланди. Умрининг катта қисмини шу даргоҳга бахшида қилган Бахриддин ака билан суҳбатлашар эканмиз, масканда таҳсил олаётган ёш ижодкорларнинг ютуқларини фахр билан сўзлашини кузатиб, жонкуяр устозга бўлган ҳурматимиз янада ортди. Суҳбатимиз асносида Бахриддин ака жамомасининг муваффақиятлари ҳақида фахрланиб сўзлади.

– Ҳар уч йилда ўтказиладиган "Муҳиддин Қорӣқубов" номидаги танловда Санжар Сиддиқов, Мэлс Абдурашулов, Бахтигул Эсонова, Насиба Бўронова, Аббос Эшқобилов, Маҳлиё Ғуломова, Акмал Хусанов, Раҳмиддин Тўраев, Азизбек Қаюмов каби ўқувчиларимиз чанг, дутор, танбур, най, анъанавий хонандалик ва тасвирий санъат йўналишларида фахрли ўринларни олишган. Айниқса, 2015 йил июль ойида Испания давлатининг Барселона шаҳрида ўтказилган "Денгиз кўеши" Халқаро болалар кўриқтанловида ўқувчимиз Маржона Мей-

маданият ва санъат соҳасида кўп йиллик бе-миннат хизмат кўрсатган фахрий устозлар ва ҳозирда ҳам даулат олиб бораётган ходимларга байрам дастурхони ҳамда концерт дастури ташкил қилинди.

Тадбирда Маданият бошқармаси бошлиғи Б.Султонов, шаҳар ҳоқими А.Зиявитдиновлар сўзга чиқиб, соҳада фидокорона меҳнат қилиб келаётган ходимларни байрам билан қўтлашди. Шу билан бирга уларга ташаккурнома ва эсдалик совғаларини топширишди.



лева дутор йўналишида 1-ўринни эгаллаб қайтгани ва у билан бирга синф ўқитувчиси Хуришда Тўрақулова билан борганимиз ҳеч эсимиздан чиқмайди.

2019 йил июнь ойида Эса Россиянинг Сочи шаҳрида бўлиб ўтган "Аква + ТЕПМ" номи халқаро болалар ижодий фестивалида ўқувчимиз Самандар Нарзуллаев, Фаёза Хушмуродова анъанавий хонандалик ва тасвирий санъат йўналишида 1-ўринга лойиқ топилди. Ўтган йили пандемия даврида ҳам ўқувчиларимиздан 20 нафари санъатнинг турли йўналишлари бўйича онлайн шаклда Москва шаҳрида бўлиб ўтган халқаро танловда фахрли ўринларни эгаллаб, диплом ва сертификатлар билан тақдирланди.

Бундай ютуқларга эришиши ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг ортида тинимсиз изланиш, машаққатли меҳнат ётганлигини, Алишер Сунонов, Моҳира Бобоқулова, Ғанишер Мусурмонов, Боймурод Тулаков, Асрор Бердиев, Хуришда Тўрақулова каби ўқитувчиларнинг ўз касбига фидойиллик билан ёндашаётганини тан олмаслик мумкин эмас.

Бугунги кунда илм даргоҳимизда Қамаш шаҳри ва чекка қишлоқлардан санъатга меҳр қўйган 180 нафардан ортққ ўғил-қизлар таълим олишмоқда. Ёшларга 30 дан ортққ санъат соҳасининг малакали мутахассислари сабоқ бермоқда. Мактабда 10 дан ошққ фортепиано, халқ чолғу асбоблари, эстрада хонандалиги, анъанавий хонандалик ва созандалик, далми ва зарбли чолғулар, тасвирий санъат, хореография, торли чолғулар ва бахшичилик каби йўналишларда сабоқ берилляпти.

Нафақат вилоятда, балки республикада ҳам ўз ўрнига эга бўлган санъат даргоҳидан чиқар эканмиз, ҳовлидаги бир текисда экилган турли дов-дархатларга қараб хаёлимдан бир фикр ўтди.

Бир ниҳол қадаб, уни парваришлаб, мевага киритишнинг қанча машаққати бор. Устоз Бахриддин ака Олмурад қандаб улғайтирган юзбалик ниҳоллар ҳам бир кун келиб, албатта, санъат гулшанида ўз ўрнини топади ва мана шундай фидокор устозларнинг юзларини ёруғ қилади.

Ўрлобй ҚОБИЛ,
Қамаш



Истеъдод

“Ёш юлдузлар”

Жорий йил март ойида АҚШда бўлиб ўтган “Америка мусиқа истеъдодлари танлови – 2021”да Самарқанд шаҳридаги 24-БМСМнинг фортепиано бўлими 3-синф ўқувчиси Ева Думбадзе ҳам онлайн иштирок этиб, пианино йўналиши бўйича сертификат билан тақдирланди.

Ўзига хос истеъдод эгаси бўлган ёш қизимиз бундан олдин ҳам кўпгина танловларда қатнашиб,

фахрли ўринларни эгаллаганди. Жумладан, шу йилнинг январь-февраль-март ойларида Италияда ўтказилган “Ёш юлдузлар” Халқаро онлайн концерт-фестивалида 9-10 ёш тоифаси орасида клавиатура асбоблари ижроси бўйича 1-ўринга муносиб деб топилди.

Ева олдида улкан мақсадлар кўйган. Ҳали ёш бўлишига қарамай, халқаро танловларда иштирок этиб,

ўз тажрибасини бойитиш билан бирга, кўпчилиikka ўрнатилган ҳам бўла олди дейиш мумкин. Албатта, буютуқлар замирида нафақат қизалоқнинг тинимсиз меҳнати, балки устозларни берган сабоқ ҳамда оила аъзоларининг қўллаб-қувватлаши ётибди.

Биз ҳам уни эришган ютуқлари билан табриклар, келгусида бундан юксак марраларни забт этишига тилакдошимиз.




Ҳамдўстлик



Халқаро анжуман

Афғонистон Ислom Республикаси Президенти Ашраф Ғани фармойишига биноан 2021 йил 7 апрель куни Хирот шаҳрида буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг 580 йиллиги муносабати билан халқаро илмий-амалий анжуман ташкил этилди.

Унга юртимиздан таниқли олимлар, шоирлар ва эл суйган санъаткорлар ҳам тақдир этилди. Маданият вазирлигидан эса давлат тили бўйича маслаҳатчи, филология фанлари доктори, профессор Маъруфжон Юлдашев ҳамда хонанда, “Нихол” давлат мукофоти совриндори Илём Арабовлар иштирок этишди.



Ижод фестивали

Ёшлар овози – 2021



Жорий йилнинг 9 апрель куни Андижон Ёшлар маркази саройида “Ёшлар овози” ижод фестивали бўлиб ўтди.

“Бўзатов иқтидорлари кашф этади” шиори остида ўтказилган мазкур республика фестивали Андижон вилоятининг ҳудудий гала-концерти ташкил қилинди.

Унда Ўзбекистон давлат филармонияси Андижон вилояти бўлими маси созандалари ва раққосалари иштирок этиб, ўз ижролари билан томошабинлар олқишига сазовор бўлишди. Фестивалда ижодий чиқиши билан қатнашган бўлимининг мусиқа раҳбари, истеъдодли санъаткор Абдорбек Жамолиддиновга эса эсдалик совғалари топширилди.

Семинар

Музей-қўриқхона бўйлаб саёҳат

6 апрель куни “Термиз” давлат музей-қўриқхонасида “Сурхон воҳасининг флора ва фауна дунёси сақланиши, бойитилиши ва кўпайтирилишида қўриқхоналарнинг ўрни” мавзусидаги илмий-амалий ўқув семинари ташкил этилди.

Унга Сурхондарё вилоят хавфсиз туризмни таъминлаш ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари ходимлари, “Сурхон” давлат қўриқхонаси, “Термиз” ҳайвонот боғи ва археология музейи мутахассислари, Термиз давлат университетининг профессор ўқитувчилари, талабалари ҳамда соҳага қизиқувчилар ўз маърузалари, илмий мақолалари билан иштирок этишди.

Мазкур семинарни ўтказишдан мақсад – флора ва фауна дунёсининг сақланиши, бойитилиши ва кўпайтирилишида қўриқхоналарнинг ўрни, амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар, флора ва фауна дунёсига берилган эътибор борасида соҳа мутахассислари билан фикр алмашиш, қатнашчиларнинг илмий тажрибаларни ошириш, ўқувчи-ёшлар ўртасида экологик маданиятни шакллантириш, табиатга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкиллаштириш ҳамда музейларга ташриф буюрувчилар сонини кўпайтиришдан иборатдир.

Семинар сўнгида “Термиз” давлат музей-қўриқхонаси экспозиция заллари бўйлаб саёҳат уюштирилди.



Эзгу таълимот

Марказий Осиёда тасаввуф

Тасаввуф – бу одамларни ҳалоллик, поклик, тенглик, инсон кадр-қимматини улуғлаш, ўз меҳнати билан кун кўриш, бошқалар кучидан фойдаланмаслик ва ижтимоий адолат қоидаларига даъват этувчи эзгу таълимотдир. Хуросон ва Мовароуннаҳр аҳолиси ўртасида тасаввуф фалсафий илми тараққиётида Юсуф Ҳамадоний катта обрў-эътибор ва

қўймаслик, ўз ноҳўя ишларидан тавба қилишдек ахлоқий-ғоявий, тарбиявий талаб-қоидалар ҳозирда ҳам ғоятда муҳим аҳамиятга моликдир.


Ўз даврининг комил инсонини Баҳовуддин Нақшбанд ҳақида гапирадиган бўлсак, аввало, у асос солган Нақшбандийликнинг асосий моҳияти “қўл ишда – Аллоҳ дилда”, “Кам егил, кам ухла ва кам гапир!”



ҳурмат қозонган. У асосан Бухоро шаҳрида яшаб, ёшларга тасаввуфдан сабоқ берган ҳамда жуда кўплаб шоғирлар тарбиялаган. У кишини пир тутган муридларидан 213 нафари машҳур шайхлар бўлиб етишган. Хожа Ҳасан Андоқий, Хожа Абдуллоҳ Барракий, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Абдуҳолик Ғиждувонийлар Ҳамадонийнинг тўрт забардаст халифаси ҳисобланади.

Юртимизда илдиоз отган Яссавий (Аҳмад Яссавий), Кубровия (Нажмиддин Кубро), Нақшбандия (Хожа Баҳовуддин Нақшбанд) тариқатлари моҳиятан шундай олижаноб ғоялар руҳи билан суғорилган. Жумладан, “Яссавий” тариқатининг бир қатор асосий қоидалари (одоблари)га назар ташлар эканмиз, унда инсонларнинг Аллоҳ висолига етишиш йўлида тинимсиз изланишлари, ҳаётнинг турли-туман синновлари, қийинчиликларига дош бериши, ўз эътиқодларига собит туриши, ҳақ йўлида ҳамisha эзгу савий-ҳаракатларда бўлишлари кераклигига алоҳида ургу берилган. Шу боис Яссавий “Ҳикмат”ларида поклик, ҳалоллик, тўғрилиқ, меҳр-шафқат, ўз кучи, пешона тери ва меҳнати билан кун кечириш, Аллоҳ таоло висолига етишиш йўлида инсонни ботинан ва зоҳиран ҳар томонлама такомиллаштириш каби илгор умуминсоний қадриятлар ифода этилган. Худди шундай юксак ғоялар Кубровия, Нақшбандия сингари тариқатларнинг мазмуни, мундарижасини ташкил этади.

Бугунги кунда Нажмиддин Кубро қаламига мансуб “Фавоъих ал-Жамол ва фатвоҳит ал-Жалол”, “Ал-Усул ал-ашора”, “Рисолати турк” каби 30 га яқин ноёб асарлар мавжуд. Мазкур тариқатда дин ва дунёвийлик чамбарчас боғлиқ кетган. Асарларидаги кишиларнинг ҳалоллик, одамийлик, молу дунёга ҳирс



деган улуг насиҳатлари ўта ҳаётийдир. Нақшбандия таълимоти ҳалол меҳнат қилишга, деҳқончилик, хунармандчилик, савдо-сотик, илм-маърифат, ҳаттотлик, бадий адабиёт, мусиқа билан боғлиқ фойдали касб-хунарларни ўрганиш ҳамда хайрли ишлар билан машғул бўлишга даъват этади.

Мустақиллик шарофати билан юртимиз тарихида, унинг маънавий сарчашмаларида сезиларли из қолдирган, ўз таълимотлари ила маънавий дунёимизни бойитган – Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Абдуҳолик Ғиждувоний, Кафқол Шоший, Хожа Аҳрор Валий сингари бобоқалонларимиз, улуг алломаларимизнинг азиз номлари тикланиб, асарлари чоп этилди. Бугун улар ёзиб қолдирган бебаҳо мерослардан баҳра олар эканмиз, бу биз учун катта бахтлигини қалбани ҳис қиламиз.

Феруза ШАРОПОВА,
Бухоро давлат музей-қўриқхонаси муҳофиз

Кичкинтойлар даврасида

Китоб оламида қувноқ саргузаштлар



Ўртимизда ёшавлод таълим-тарбиясига қаратилган саъй-ҳаракатлардан бири уларни жуда кичик пайтида ноқ китоб ўқишга қизиқтиришдир. Хоразм вилояти Хонқа туман ахборот-кутубхона марказининг "Ўзбекистон китобхоналар юрти" широри остида ўтказилаётган ҳафталиги доирасида "Китоб оламида қувноқ саргузаштлар" мавзусида тадбир уюштирилди.

Унда тумандаги "Гуллола-Гулгунча эркатойлари" мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчилари, 39-, 42-уму таълим мактаблари кутубхоначилари ва ўқувчи китобхонлар қатнашишди. Бундай кўнгилочар, тарбиявий аҳамияти катта тадбирларнинг доимий иштирокчиси туман кичкинтойлари учун сеvimли бўлган "Жайхун" халқ кўйирчоқ театри бу сафар ҳам чиройли эртак-томо-

шларини тайёрлаб келган. Театр бадиий раҳбари Мансур Кўрөзов ва ИКРОМБой Жуманиёзовларнинг кўйирчоқлар билан саҳналаштирилган томошалари болажонларда катта таассурот қолдирди... Айниқса, тадбир якунида ўтказилган "Ким кўп эртак ўқийди?" деб номланган танлов барчага завқ-шавқ бағишлади.

Саида ИКРОМОВА

Сўзана

Матога туширилган ипаклар

XIX аср охирига келиб Ўзбекистонда каштадўзлик санъати кенг тарқалди. Деярли ҳар бир аёл уни ўзлаштиришга интилди. Кашта гули солинган кийимлар асосан ёш қизларнинг тўйлари учун тайёрланар эди. Улар келин сепининг бир қисмини ташкил этиб, ёш келин-куёв хонасининг безаги ҳисобланган.

Ўзбекистонда каштадўзлик санъати мақсадидан келиб чиққан ҳолда турларга бўлинган: йирик безакли кашта, унча катта бўлмаган майший буюмлардаги кашта ва кийим-кечақлардаги кашталар. Улар орасида деворга илинадиган каштали палак – панно етакчи ўрин тутган. Энг йирик сўзаналарнинг узунлиги 2-3 метр, кенлиги 2 метрга яқин бўлган.


Сўзана – бутун кенлиги бўйлаб ёппасига безак солиниб, тагида очик жойлар кам қолдирилган ҳолда ўзига хос тикилиш усули билан ажралиб туради. Унда нақшлар бутун сатҳ бўйлаб эч тикилади. Бир-бирига ёпиштирилган сатҳ икки хил шаклда бўлади. Сўзананинг нақш солинган бўлаклари аввал битказилиб, сўнгра бирлаштирилиб тикиб чиқилади.

Кашта нақшларини халқ рассомлари – қаламнавислар ёки чизмакашлар учи ўткир қилиб чиқарилган қамиш қаламлар ёрдамида матога чизишган. Улар жуда кўп анъанавий нақшларни билишар ва улуксиз янги турларини яратишарди. Одатда нақшнинг асосий гуллари белгилаб олиниб, кейин шакл ва микдори танланган. Сўзана учун кўпроқ уйда тўқилган оқ мато – карбос ёки табиий сариқ ранглисидан фойдаланишган. Кейинроқ бинафша, тўқ сариқ рангли маҳаллий хонаки матолар, шунингдек, четдан олиб келинган оқ ва ип газламлар асос сифатида ишлатилган. Гул солиш учун маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилган табиий бўялган шойи иплардан фойдаланилган.



XIX асрда бадий каштадўзликнинг йирик марказлари сифатида – Нурота, Бухоро, Самарқанд, Шахрисабз, Тошкент, Фарғона ажралиб турган. Ҳар бир каштадўзлик мактаби ўз маҳаллий бадий хусусиятларига эга бўлган.


Фарғона воҳаси кашталари бутуқлари ва тўп-тўп доиралардан тuzилган нозик график нақшлари билан ажралиб турган. Улар кўпинча рангларга кўмилган майдонни ҳосил қилган. Йирик безакли кашталари нафислиги ва расмларининг назоқати билан дўппи нақшларидан қолишмайди. Фарғона сўзаналарида зангори, бинафша, тўқ қизил, сиёхранг ва қора ранглардан кўп фойдаланилади ва унда безакли деталларга гўла улкан нақш асосий ўринни эгаллайди. Худди бошқа жойлардагидек, Фарғонада тикилган сўзаналар рангининг ёрқинлиги, бир-бирига уйғунлиги ва табиийлиги билан ажралиб туради. Сўзаналарга тикилган баъзи нақшлар ўз маъносига ҳам эга бўлган. Масалан, анор – барака, қалампир – кўздан, ҳар хил ёмонликлардан асровчи, бодом – ризқ-рўз, очилган гуллар – муҳаббат, шохчали гуллар мажмуаси – фаровон ҳаёт рамзи бўлган. Баъзида кўзача, қушлар, дарахтлар тасвирланган сўзаналар турмуш тарзини аниқлатган.



Фарғона сўзаналари билан танишар экансиз, нақшлар ва рангининг ўхшашлигига қарамай иккита бир хилини тополмайсиз. Ҳар бир сўзана ўзича ноёб...

Лобар РАҲМОНОВА,
Фарғона вилояти тарихи ва маданияти
давлат музейи ходими

Мукамал жараён



Пиллачилик тарихи

Ўзбекистонда ипак қурти уруғини тайёрлаш, уни боқиш, пиллани дастлабки ишловдан ўтказиш (димлаш ва қуритиш), янги қурт зотлари ва дурагайлари яратиш каби мукамал жараён ишлаб чиқилган.

Тут ипак қурти республиканинг барча вилоятларида етиштирилади ва у жуда қадимийдир. Айрим маълумотларга кўра, ипак қурти боқиш милодий IV асрдан Хитойдан Ўрта Осиёга тарқалган. 1913 йилда Ўзбекистонда 4 минг тоннага яқин пилла етиштирилган бўлса, унинг 90% Фарғона водийсига тўғри келган. 1922 йилда Тошкентда "Туркипак" акциядорлик жамиятининг ташкил этилиши пиллачиликни ривожлантиришда муҳим босқич бўлди. 1927 йил Тошкент ипакчилик станцияси негизда Ўрта Осиё ипакчилик илмий текшириш институти (1991 йилдан Ўзбекистон ипакчилик институти) ташкил этилди. 1930 йилларда тут кўчати етиштиришга алоҳида эътибор берилди бошланди. Апрель ойи бошларида ипак қурти капалаги тухумларидан қуртлар очиб чиқади ва улар хонадонларга тарқатиларди.

Қурт боқиладиган хона ҳарорати 28-30 даража бўлиши керак. Хона намлиги бир метрда сақланиши, ҳавоси алмаштирилиб туриши лозим. Дастлабки кунлари қуртларга тут дарахтининг янги чиқибётган барглари киймалаб берилди. 5-6 кундан кейин барглар бутунлигича, 10-12 кун ўтгач новдаси билан солинади. Қуртлар кун сайин ўсиб, 23-25 кунда пилла ўрай бошлайди. Пилла ичида қурт гўмбака айланади, сўнгра пиллалар териб олинади ва давлатга топширилади. Улардан олинган ипак толалардан атлас ва шойи матолар тўқилади. Келгуси йил учун ипак қурти тухумини олиш мақсадида энг сифатли пиллалар саралаб, лабораторияларга юборилади. Пилла ичидаги қурт гўмбака капалакка айланади ва пиллани ёриб чиқади. Ипак қурти капалакларини қўйган тухумлар лабораторияда йиғилади. Тут дарахти меваси бошқа меваларга нисбатан эрта пилиши. Илгари тут дарахти ҳар бир хонадонда ўсган. "Балиқ тут" деб аталган навининг меваси йирик ва мазали бўлган. Одамлар унинг соясида дам олишган. Тут дарахти далаларда ва кўча бўйларида ўсади. Барги йирик, ранги тиниқ яшилдир. Вилоятларда тут дарахти алоҳида майдонларга экилиб, тутзор барпо қилинган. Март ойи охирида тут дарахтининг қуртлари очилиб, барг ёза бошлайди. Ўзбекистонда унинг барглари териб олиниб, ипак қурти боқилади. Ойнинг ўрталарида эса тут новдалари кесилиб, барг-

лари ипак қуртларига берилди. Новдалари кесиб олинган тут дарахтидан май ойдан бошлаб янги новдалар чиқади. Улар кузда пишиб етилади.

1940 – 90 йилларда пиллачиликда юқори ўсиш суръатларига эришилди. Пилла етиштириш деярли 3 бараварга кўпайди. 1991 йилда республикада 33,8 минг тонна пилла тайёрланди. 1993 йилдан пилла етиштириш давлат буюртмасидан чиқарилиб, уни харид қилиш эркин келишилган нархлар асосида олиб борилди. республикада пиллачилик тармоғида 13 худудий (вилоят) "Пилла" акциядорлик бирлашмаси, 122 туман "Пилла" акциядорлик жамиятлари, тут уруғи, ниҳоли, кўчатлари етиштиришга ихтисослашган 10 ширкат ҳужалиги, 3 та насли уруғчилик заводи (Андижон, Самарқанд, Фарғона), 13 пиллачилик – тухумчилик заводи (Андижон, Асака, Бухоро, Шахрисабз, Навоий, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Каттақўрғон, Фарғона, Қўқон, Урганч, Хўжаобод), 8 пиллакашлик корхоналари (Тошкент "Тола", "Маргилон ипаги", Фарғона "Буюк ипак йўли", Самарқанд "Хужум", "Бухоро ипаги", Наманган ипаги", "Булоқбоши ипаги", "Хоразм ипаги") акциядорлик жамиятлари фаолият кўрсатади.

2002 йилда республика пиллачиликда 21500 тонна тирик пилла, 8290,2 тонна қуруқ пилла тайёрланди, 1003,2 тонна хом ипак, 130 тонна йиғирилган ипак ипи ишлаб чиқарилди. 415 минг қурти ипак қурти тухуми тайёрланиб, 1,5 миллион дона тут кўчати етиштирилди. Тармоқда 19 мингга яқин ходимлар банд. Жаҳонда пилла етиштириш ва хом ипак ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистон Хитой, Япония ва Ҳиндистондан кейин 4-ўринни эгаллайди. Хозирги кунда етиштирилаётган пилла республиканинг барча пиллакашлик корхоналарини тўлиқ таъминлаш билан бирга уни чет элга сотиш имконини ҳам беради. Пиллачилик Хитой, Ҳиндистон, Япония, Корея, Бразилия, Тайвань, Покистон, Сурия, Туркия, Испания, Миср ва бошқа мамлакатларда ривожланган. Табиий ипак жаҳонда ишлаб чиқариладиган тўқимачилик толаларининг фақатгина 0,5% ни ташкил этади, лекин ипак ва ипак газламаларнинг техника ва майший турмушда кенг қўлланилиши туфайли жаҳон бозорига табиий ипакка бўлган талаб жуда юқори...

Г.ЮЗБОЕВА, С.ҚУРБОНОВ,
Этнография бўлими илмий ходимлари

Расмлар кўргазмаси

Оламни маҳлиё айлаган диёр...



2021 йил 8 апрель куни Қўқон шаҳар 7-болалар мусиқа ва санъат мактабининг тасвирий ва амалий санъат бўлими шаҳардаги Муқимий хужра музейида “Оламни маҳлиё айлаган диёр” шiori остида расмлар кўргазмасини ўтказди. Тадбир музейнинг бош мудирини Хабибулло Сулаймонов билан ҳамкорликда ташкил этилди. Кўргазмага “Қаймоқли гузар” маҳалла фуқаролари ва ёшлари жалб қилинди. Унда Ж.Мелиев, М.Маматов, Ж.Хайдаров, Н.Ийгиталиевларнинг ижодий ишлари ва

ўқувчилари томонидан яратилган асарлар намойишга қўйилди. Шунингдек, 6-болалар мусиқа ва санъат мактабида буюк саркарда, соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 685 йиллигини нишонлаш мақсадида Ўзбек халқ чолғу бўлими ўқувчиси Саиджон Мадаминов иштирокида “Биз Темур издошлари” номли концерт дастури ўтказилди. Тадбирда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Муҳсинбек ва Яхёбек Мўминовлар қатнашишди.

Заргарлик тарихи

Топилмаларда акс этган мозий

Заргарлик буюмлари қадимги Миср, Юнонистон, Эрон, Хитойда яхши ривожланган бўлиб, уларни тайёрлашда маржон, нефрит, кахраболардан кенг фойдаланишган. Европада эса роман ва готика (XII – XV асрлар) санъати юксак поғонага кўтарилган. Заргарликнинг янги усул ва услублари юзага келган.



Диёримизнинг кўпгина музейларида сақланаётган топилмалар республикамиз ҳудудида (Юнон Бактрия подшолиги, милoddan аввалги III-II асрлар; Қадимги Хоразм, асосан, милoddan аввалги бир минг йиллик ўрталаридан милoddий VIII асргача) ҳам заргарлик ривожланганини кўрсатади. Хусусан, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хива, Қўқон, Шахрисабз шулар жумласидандир.

XIX аср охири XX аср бошларида ўзига хос ишланиши, шакли, безаклари, хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилувчи турли хил заргарлик буюмлари ва тўпламлари кенг тарқалган. Бироқ ушбу санъат тури XX аср бошларида инкирозга юз тутди, халқ усталари сони қисқара бошлади. Уларнинг қимматбаҳо хомашёлардан фойдаланишига йўл қўйилмади. Заргарлар аста-секинлик билан мавжуд аъналардан йироқлаша бордилар. Натижада улар томонидан ишлаб чиқарилган буюмларнинг шаклу шамойили ўзгариб, “электик” манзарани юзага келиб, баъзи аъналарнинг буткул йўқолишига олиб келди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач заргарлик санъати қайта жонланди. Қимматбаҳо металл материаллардан фойдаланишга имкон яратилди.

Зеб-зийнат буюмларининг пайдо бўлиши тарихи жуда қадимги даврларга бориб тақалади. Археологлар юқори палеолит қатламларидан топган тош мунчок, тўғноғичлар, жез даврига оид билагузук, тўғноғич ва тугмалар илк аждодларнинг дастлабки безаклари ҳақида хабар беради. Кейинги даврларда яратилган тилла буюмлар бўртма тасвирлар, сопол хайкалчалар, ўрта асрларга оид деворий расмлар, қўлёзма асарларга иш-

ланган миниатюраларда акс этган. Заргарлик буюмлари вақт ўтиши билан аста-секин бир-бирини тўдириб, XIX аср охири XX аср бошларида яхлит тўпламларни вужудга келтирган.

Ўзбекистоннинг турли вилоятларида ясалган заргарлик буюмлари ўзига хос маҳаллий хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилади. Хоразмлик заргарлар тайёрлаган зеб-зийнат буюмлари салмоқдорлиги, серхашамлиги ва кўриниши билан ажралиб турган. Самарқанд заргарлари яратган тақинчоқларда Тошкент ҳамда Бухоро заргарлигининг таъсири сезилади. Масалан, панжара усулида нозик дид билан қўлфлик қилиб ишланган билагузуклар Бухоро заргарлари ишига яқин. Бухоро заргарларининг Қашқадарё, Сурхондарё вилояти заргарлари ишига ҳам таъсири катта бўлган. Тошкентлик келинлар тўйида (ниҳод либоси билан бирга) бошга тиллақош, тиллабаргак, гажак, қулоққа сирга, бўйинга кўкракка тушиб турадиган зебигардон, жевак, хафбанд, маржон, бўйинтумор, сочга сочпопук, қўлтиққа қўлтиқтумор, қўлга билагузук ва узуклар тақишган.

Самарқанд келинларининг зеб-зийнат буюмлари тошкентликларникига яқин бўлган. Хива келинлари тақинчоқлари (такятузи, осмақанот, бутунтирноқ, ўқёй, шокила ва бошқалар) ўзига хослиги билан ажралиб туради. Шунга кўра, турли марказларда яратилган заргарлик буюмлари тўпламлари умумийликка эга бўлиб, маҳаллий ўзига хослиги баъзи қисмларида намоён бўлади. Бу тўпламлар бир намуна кўринишига эга бўлиб, қатъий эмасди, яъни ҳар бир хонадоннинг иқтисодий аҳолига қараб у ёки бу даражада бойитилган. Аёллар



зеб-зийнат буюмларини тўла-тўқис ҳолатда келинлик даврининг дастлабки 1-2 йилида, тўй-тантаналарда тақишга ҳаракат қилишган. Бошқа вақтда энгил ҳаракат қилишга ҳалақит бермайдиганлари (узук, билагузук, сирга ва бошқаларни тақишган. Зирак, билагузук, ҳар хил мунчоклар (мунчок, қалампирмунчок)ни қизчаларга жуда кичиклигидан бошлаб тақа бошлашган. Чунки улар безак бўлиши билан бирга ёмон назардан асраш вазифасини ҳам бажарган.

XX аср 20-йилларида заргар усталар артелларга бирлашди, аънавий серхашам ва оғир зеб-зийнат буюмлари ўрнига халқ дидига мос энгил, қулай ва нафис сирғалар (қашқарбалдоқ, сирғабар, бухори зирак – “шибирма”, “айзирақ”, илон зирак ва бошқалар), ёқут кўзи узуклар, билагузуклар ясала бошланди. Хомашё сифатида мис, қумуш ва тилла безаклардан, қисман давлат ажратган тилладан фойдаланилди.

Дунёнинг заргарлик саноати ривожланган мамлакатлари қаторига Италия, Буюк Британия, Германия, Франция, Россия, Хиндистон, Хитой, Туркия каби давлатларни киритиш мумкин. Жаҳон бозорига олтиннинг 50 фоизидан ортиги, яъни 2200 тоннадан зиёди ҳамда қумушнинг 20 фоизидан кўпроғи – 6500 тоннадан ортиги заргарлик буюмларини ишлаб чиқаришга ишлатилди.

1963 йилда Тошкент заргарлик фабрикаси (1972 йилдан завод) ишга тушди. У ерда тилла занжирлар, ёқут, феруза, гавҳар ва бошқалар қимматбаҳо тошлардан қўзлар қўйиб ишланган зирак ва узуклар тайёрлаб келинмоқда.

Ўзбекистонда “UZBEK JEWELLERY FAIR – 2020” биринчи халқаро заргарлик кўргазмаси ўтказилди. Биринчи ва ягона ихтисослаштирилган заргарлик буюмлари кўргазмаси 2020 йилнинг 8 – 10 май кунлари бўлиб ўтган эди.

Кўргазмада, олтин ва қумушдан ясалган заргарлик буюмлари намойиш этилди. Маз-



кур кўргазмадан кўзланган асосий мақсад: “Янги ички тармоқ ва халқаро миқёсида ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатиш; *Хорижий компаниялар технологиялари ҳақидаги янгиликлар ва эришилган ютуқлардан хабардор бўлиш; *Заргарлик буюмлари дизайнида кўп талаб этиладиган йўналишларни ўзлаштириш; *Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар сифати ва миқдорини ошириш.

Маълумки, заргарлик санъати Ўзбек миллий, бадий маданияти тарихининг ажралмас қисми бўлиб келган. Унинг кўп асрлик аъналарини тиклаш ва такомиллаштириш, маҳаллий заргарлик буюмлари ишлаб чиқарилиши ва тизимдаги корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ички ва ташқи бозорларда маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаш, шунингдек, аҳолининг юқори сифатли маҳаллий заргарлик буюмларига бўлган талабини қондириш мақсадида Президентимиз томонидан 2019 йилнинг 18 майдаги “Ўзбекистон Республикасида заргарлик тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.



Унинг ижроси доирасида Тошкент шаҳридаги собиқ “Fonon” илмий-ишлаб чиқариш корхонаси ҳудудида “Gold Moon Tashkent” МСҲ] ташкил этилди. Бу ерда турли хилдаги тайёр ва ярим тайёр заргарлик буюмларини ҳозирлашда 200дан ортик мохир устазаргарлар жалб қилинган. Лойиҳа тўлиқ амалга оширилгач, қимматбаҳо металллар ва тошлардан йилга 6 тонна тайёр заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш қутилмоқда. Мазкур фармон туфайли мамлакатда маҳаллий заргарлик тармоғини тиклаш ва ривожлантириш, шунингдек, ишлаб чиқарувчиларга қимматбаҳо металллардан фойдаланиш ҳуқуқи берилиб, маҳаллий заргарлик маҳсулотлари ҳаммининг кенгайтирилишига замин яратилди.

Шу билан бирга, соҳада тизимли камчиликлар мавжудлиги эътироф этилган ҳолда инвестицияларни фаол жалб қилиш, сифатли заргарлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича фаолият юритаётган қувватларни модернизация қилиш ва янгиларини ташкил этиш, ушбу маҳсулотлар экспортини кенгайтиришга тўқсунлик қилиб, тармоқ ривожига салбий таъсир кўрсатаётган омилларга чек қўйилди.

Умида АКОБИРОВА,
“Термиз” давлат музей-қўриқхонаси мутахассиси

<p>МАДАНИЯТ ОБУНА ИНДЕКСИ: 285</p> <p>МУАССИС: “Dildosh media” МЧЖ, хамкор: Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги</p> <p>Бош муҳаррир Дилбашор Худойбердиева</p> <p>Таҳририят манзили: 100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1. Тел.: Факс: (371)-256-04-54</p> <p>Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.</p>	<p>Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.</p> <p>Таҳририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри таҳририят фикридан фарқлиниши мумкин. “Маданият” материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.</p>	<p>Нашр учун масъул: Ш.Исроилова Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева Навбатчи: Н. Солиқова Адади - 7747 Буюртма - Г - 417 Сотувда келишилган нархда Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ</p>	<p>Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.</p> <p>Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўрон кўчаси, 41. Босмахонага топшириш вақти - 00.30 Топширилди - 23.50 1 2 3 4 5 6</p>
---	--	--	--